

Улуғ фазл эгаси



20:03 / 11.12.2018 2922

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам:

«Албатта, менинг ва мендан олдинги анбиёларнинг мисоли худди бир уйни яхшилаб, чиройли қилиб қуриб, бир бурчагидан бир ғиштнинг ўрнини қолдириб қўйган кишига ўхшайди. Одамлар уни айланиб кўриб, қойил қолишади ва:

«Мана шу ғишт ҳам ўрнига қўйилганда эди!» дейишади. Мен ўша ғиштман. Мен набийларнинг хотимиман», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилганлар

Шарҳ: Аллоҳ таоло Одам Атони яратиб, ер юзида яшайдиган Ўзининг халифаси қилгандан кейин унинг болаларига тўғри йўлни кўрсатиб туриш учун таълимотлар ҳам юборишни ирода қилди. Бу таълимотларни одамларга етказиш ва ҳаётга татбиқ қилиб кўрсатиш учун уларнинг ичидан пайғамбарлар танлаб олишни ҳам ирода қилди. Ана ўша пайғамбарларнинг биринчиси Аллоҳ таолонинг иродаси ила Одам Атонинг ўзлари бўлди. Кейин эса бирин-кетин бошқа пайғамбарлар кела бошладилар. Аста-секин вақт ўтиши билан пайғамбарларнинг силсиласи

узайиб келиб, уларнинг охирги ҳалқаси Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам бўлдилар.

Ушбу ҳадиси шарифда бу жараён худди бир кўркам, чиройли бино қурилишига ўхшатишмоқда.

«Албатта, менинг ва мендан олдинги анбиёларнинг мисоли худди бир уйни яхшилаб, чиройли қилиб қуриб, бир бурчагидан бир ғиштнинг ўрнини қолдириб қўйган кишига ўхшайди».

Бу дунёнинг тузилиши кўрган кўзни қувонтирадиган кўркам бир бинога қиёсланса, Аллоҳ таоло Ўз бандаларига юборган ҳар бир пайғамбар ана шу бинонинг бир ғиштидек гап. Мазкур бинонинг ҳар бир ғишти қўйилганда унинг камоли томон бир қадам ташланганидек, Аллоҳ таоло ҳар бир пайғамбарни юборганда рисолат ва нубувват биноти ҳам янги бир ғишт терилгандек, камолот сари кўтарилиб бораверган. Бориб-бориб, мазкур бино битай деб ҳам қолибди. Фақатгина битта ғишт терилса, битадиган ҳолга келибди.

«Одамлар уни айланиб кўриб, қойил қолишади ва: «Мана шу ғишт ҳам ўрнига қўйилганда эди!» дейишади».

У бинони томоша қилганлар қойил қолишар, аммо урилмаган биргина ғиштнинг мулоҳазасини қилиб, «Қани энди, шу ғишт ҳам ўз ўрнига қўйилса-ю, бино мукамал ҳолига келса», деган орзунини қилар экан. Ана шу бир ғиштсиз мазкур бино нуқсонли бўлар экан. Мазкур бинонинг баркамоллиги охирги ғиштга қараб қолган экан. Агар ўша охирги ғишт қўйилмаса, бино битган ҳисобланмас, уни кўрган одам битмай қолганига афсус қилар экан. Ана шу пайтда Аллоҳ таоло Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни охирги пайғамбар қилиб юбориб, нубувват ва рисолат бинотининг охирги, энг муҳим ва энг афзал ғиштини ҳам қўйди.

«Мен ўша ғиштман. Мен набийларнинг хотимман».

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўзларининг ўша нубувват ва рисолат бинотининг охирги ғишти эканликларини, Аллоҳ таоло Ўз бандаларига юборган пайғамбарларининг тугатувчиси эканликларини таъкидламоқдалар. Бинога охирги ғишт терилгандан кейин қурилиш битади. Ундан кейин ғишт терилмайди. Аллоҳ таоло Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни охирги пайғамбар қилиб юборгандан кейин пайғамбарлик сўнгига етди. Энди бошқа пайғамбар юборилмайди.

Ҳар бир нарсага алийму хобийр бўлган Аллоҳ таоло Ўзи яратган борликда Ўзи яратган инсониятни Ўзи юборган пайғамбарлар орқали тўғри йўлга солишни Ўзи ихтиёр қилди. Бунинг учун, аввало нубувват ва рисолат биносини бир бутун ва мустаҳкам пойдеворли қилди. Яъни ҳар бир пайғамбарга юборган динининг асоси бўлмиш ақийдани ҳаммалари учун бир хил қилди. Одам Атодан бошлаб, Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламгача бўлган барча пайғамбарлар ўз умматларини бир хил ақийдага чақирдилар. Бу ақийда Аллоҳ таолонинг ягоналигига, барча айблардан холи эканлигига, қиёмат кунига, ҳисоб-китобга, дўзах ва жаннатга иймон келтиришдан иборат эди.

Аммо динларнинг ақийда қисми бир хил ва ўзгармай туриши матлуб бўлгани билан уларнинг амалий қисми – шариатлар ўзгармай туриши мумкин эмас эди. Аксинча, шариатлар замон ва маконга, халқлар ва уларнинг савиясига қараб ривожланиб бориши керак эди. Шунинг учун Аллоҳ таоло дин пойдевори бўлмиш ақийда устига ҳар набийга берган шариатни худди пойдевор устига қўйилаётган ғишт мисоли қилиб, биринкетин қўйиб турди.

Одам Атонинг даврида инсон жамияти содда бўлгани учун уларга содда шариатни жорий қилди. Мисол учун, шароитдан келиб чиқиб, ўша шариатда ака-сингилнинг оила қуришига изн берилди. Кейин эса инсоният ўсиб бориши билан шариатлар ҳам ривожланиб борди. Аллоҳ таоло ана шу тарзда инсониятни аста-секин тарбиялаб келди.

Охири келиб, инсоният вояга етганда унга энг мукамал ва боқий шариат, шариати муҳаммадияни берди. Нубувват ва рисолат биносининг энг гўзал ва энг сўнгги ғиштини қўйди.

Энди қиёматгача бу бинога ғишт қўйилмайди. Бошқа пайғамбар юборилмайди. Ислом шариати барча замонлар, барча маконлар ва барча халқлар учун қиёмат қоим бўлгунча кифоя қилади.

Ана шунинг учун ҳам Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам энг афзал пайғамбар ҳисобланадилар. Пайғамбарларнинг хотими – тугатувчиси ҳисобланадилар. Бундан улуғ фазл бўлиши мумкин эмас.

“Ҳадис ва ҳаёт” китобидан